

АБДОМИНАЛ ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИ БИРЛАМЧИ НОХОДЖКИН ЛИМФОМАСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИДА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.

Ф.Э. Хайитов

ЎзР ССВ Республика Онкология

Илмий Маркази, Тошкент шаҳри

Хавфли лимфомалар билан касалланиш жами болалар орасида аниқланадиган хавфли ўсма касалликларнинг 15-20 % ни ташкил этади. Хавфли лимфомаларнинг 70% ни Ноходжкин лимфомаси (НХЛ), қолган қисмини эса Ноходжкин лимфомаси (ХЛ) билан касалланганлар ташкил этади (Беляева Е.С., 2008; Дурнов Л.А., 2005; Мерабишвили В.М. ва ҳаммуал., 1999; Peris B.R., 1997; Smith M.A., Gloeckler Ries L.A., 2002). Ўсманинг жойлашиш ўрнига боғлиқ равиша ташхисоти ва даволаш жараёни мураккаблиги туфайли ўтказилаётган даволашдан олинаётган натижаларни қониқарли

Тадқиқотнинг мақсади. Ноходжкин лимфомаси билан бирламчи абдоминал лимфа тугунлари заарланган беморларни қўшма даволаш натижаларини ўрганиш.

Материал и методлар. Тадқиқотимизга РОИМ болалар онкологияси бўлимида 2002-2009 йиллар давомида НХЛ нинг бирламчи абдоминал лимфа тугунларини заарланиши билан касалликнинг III босқичида жами 66 та беморларнинг текшириш ва даволаш натижалари асос бўлиб хизмат қилди. Беморларни ёши 11 ойликдан 14 ёшгacha бўлиб, ўртача ёши 6, 2 ёшга teng.


Жадвал 1.

Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши.

Беморларни ёши	Ўғил болалар	Киз болалар	Жами	
			Абс.сонда	% да
0 – 3	5	2	7	10,6


3 – 7	26	10	36	54,6
7 – 11	9	2	11	16,6
11 – 15	11	1	12	18,2
Жами	51	15	66	100%

Биринчи жадвалдан күриниб турибиди касалланиш асосан 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар ўртасида энг юқори (54,6%) кўрсаткични, кейинги ўринда 11 ёшдан 15 ёшгача болар ўртасида бу кўрсаткич 18,2% ни ташкил этди. Энг кам касаллик 0-3 ёшдаги болалар орасида қайд этилган.



Диаграммадан күриниб турибиди ўғил болалар 51 (77,27%) тани, қиз болалар 15 (22,33%) тани ташкил этди. Ўғил болалар билан қиз болалар ўртасида НХЛ билан касалланиш нисбати 4:1 ни ташкил этди.

Беморлар 2 гурӯхга бўлиб ўрганилди.



І гурухни 30 та бемор ташкил этди. Барча беморлар морфологик текширувдан үтказилған. Бемордан 24 (80%) та беморга иммуногистохимик текшируви үтказилған. Улардан 14 (46,7%) тасида В-хужайралы ва 10 (33,3%) тасига Т-хужайралы НХЛ аникланған. Шу билан бирга иммуногистохимик текширув үтказилған барча беморлардан олинған биоптатда онкопротеин bcl-2 ва P53 ген-супрессор ҳам үргарылған. Текширув үтказилған 24 ҳолатдан 8(26,7%) тасида P53 ген-супрессорининг юқори даражадаги экспрессияси, у 5(16,7%) тасида үрта даражадаги экспрессияси, 4(13,3%) ҳолатда паст даражали экспрессияси ва 8(26,7%) та беморда ген-супрессорининг экспрессия аникланмади. Онкопротеина bcl-2 эса 6(20%) беморга юқори даражада, 5(16,7%) беморда паст үрта даражада, 7 (23,3%) текширувда паст даражали ва 6 (20%) ҳолатда онкопротеин экспрессияси аникланмади. Периферик қондаги лимфоцитларда цитогенетик усулда хромосомалар aberrацияси үрнатылғанда бу күрсаткыч 1/20 (5%) дан 6/25 (24%) гача үзгариши қайд этилди.

Бу гурухдаги барча беморларга СНОР+МАД дастури (винクリстин 1,4 мг/м² 1, 7 куни в/и, циклофосфон 1000 мг/м² 1, 7 куни в/и, доксорубицин 30 мг/м² 2, 6 куни в/и, преднизолон 50 мг/м² 10 – 14 кун давомида м/о, метотрексат 8 - 12 мг 4-куни интратекал (эндолюмбалъ), алексан 30 мг 4-куни интратекал, дексаметазон 2 мг 4-куни интратекал, алексан 100 мг/м² 4-куни в/и) бүйича 4 курс кимёвий даво үтказилди. Интратекал равища қўлланилған кимёвий даво бу ноходжкин лимфомасининг марказий нерв тизимиға метастаз беришидан

химоялаш мақсадида ўтказилди. Кейинги босқичда беморларга қорин бўшлиғига тотал БМД (бир марталик доза) 1,2 Гр дан УД (умумий дозс) 12 Гр, паракаваль ва парараортал соҳаларга УД 36 Гр дистанцион телегамма терапия (ДТГТ) ўтказилди. Сўнгра bemорларга 4-6 курсгача СНОР (ACOP) дастури бўйича кимёвий даво ўтказилди.

II гуруҳдаги 36 та bemорларга СНОР (ACOP) дастури (винкристин $1,4 \text{ мг}/\text{м}^2$ 1, 7 куни в/и, циклофосфон $1000 \text{ мг}/\text{м}^2$ 1, 7 куни в/и, доксорубицин $30 \text{ мг}/\text{м}^2$ 2, 6 куни в/и, преднизолон $50 \text{ мг}/\text{м}^2$ 10 – 14 кун давомида м/о) бўйича 4 курс кимёвий даво ўтказилган. Кейинги босқичда bemорларнинг қорин бўшлиғига тотал БМД 1,2 Гр дан УМ 12 Гр, паракаваль ва парараортал соҳалардаги лимфа тугунларга УМ 36 Гр ДТГТ си ўтказилган. дистанцион телегамма терапиядан сўнг bemорларга яна 4-6 курсгача СНОР (ACOP) дастури бўйича кимёвий даво давом эттирилган. Бу гуруҳдаги bemорларга марказий нерв системасини ноходжкин лимфомасининг метастазидан профилактика мақсадида интратекал кимёвий даво ўтказилмаган. Бундан ташқари бу гуруҳдаги bemорларга иммуногистохимик, цитогенетик текширувлар ўтказилмаган.

Бундан ташқари ҳар иккала гуруҳ bemорларига НХЛ билан заарланган периферик лимфа тугунларига ҳам БМД-2,0 Гр дан УМ 32-36 Гр гача дистанцион телегамма терапия ўтказилган. Даволаш натижалари УТТ, рентгенологик, КТ текширувлари ёрдамида баҳолаб борилди ва ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган критерийлари асосида даво натижалари баҳоланди.

Bеморларда кимёвий ва нур терапияси билан даволаш давомида лейкопения, анемия, кўнгил айниши ва қайт қилиш ҳолатлари кузатилганлиги туфайли маҳсус даво умумий қувватловчи, антиэметик, витаминлар, иммунстимулловчи, дезинтоксикацион, гепатотроп ва кардиотроп даво фонида олиб борилди.

Даволаш натижалари: I гуруҳдаги жами 30 та bemордан 4 (13,3%) тасида даволашнинг биринчи йилида узоқ метастаз аниқланди, 20 (66,7%) bemорлар эса 3-йиллик муддатдан ортиқ яшади. P53 ген-супрессорининг юқори экспрессияси

асосан В-хужайрали беморларда аниқланди. Онкопротеин нинг юқори даражали эксспресияси агрессив кичиш намаён қилган Т-хужайрали ноходжкин лимфомаси зиммасига түғри келди. Периферик қондаги лимфоцитларда хромосомалар aberrациясидаги ўзгаришлар касалликнинг кечиши билан боғлиқ эмаслиги аниқланди.

II гурухдаги 36 та бемордан 13 (36,1%) тасида даволаш мобайнида 1-йилнинг ўзида узок метастаз аниқланди, 11 (30,5%) таси эса 3 йилдан кўп яшаган. Биринчи ва иккинчи гурухдаги беморларни ўлимига асосий сабаб ўсмани даволашнинг дастлабки йилларидаёқ МНС ва суяк илик қисмига метастаз бериши деб топилди.

Интратекал равища ўтказилган профилактик кимёвий даво касалликни даволашнинг дастлабки йилларида МНС ва суяк кўмига метастаз беришини 33,3% дан 13,3% гача камайишига олиб келди.

Хуносат: ўрнида шуни айтиш мумкинки НХЛ ни комбинирлашган ва комплекс ҳолда даволашда интратекал кимёвий давони қўлланилиши ўсмани МНС га метастаз бериш хусусиятини камайтириб, даволаш самарадорлигини оширади, беморларни метастазсиз ва рецидивсиз яшовчанлик муддатини узайтиради.

Хайитов Фарход Эшбоевич

Телефонлар: +998712469880 (иш), +998974033407 (моб).

E-mail. onkologf_x@inbox.ru